Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил
30 март
ЧОРШАНБА

№ 25
(12.349)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 март куни Оқсаройда ЕХҲТнинг кам сонли миллатлар масалалари бўйича Олий комиссари Кнут Воллебекни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари К. Воллебекнинг Марказий Осиёда миллатлараро муносабатларга оид долзарб масалаларга эътиборини юқори баҳолаб, тинчлик ва барқарорликни сақлашда, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлашда ЕХҲТнинг кам сонли миллатлар масалалари бўйича Олий комиссари муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

Миллатлараро ва конфессиялараро бағрикенглик тарихан мамлакатимизни ривожлантиришнинг ўзига хос жиҳати бўлиб келган. Миллатлараро тотувлик ва барқарорлик Ўзбекистон Республикасида давлат сиёсати ва ижтимоий тараққиётнинг туб мақсадларидан биридир.

Ўзбекистон Конституциясида миллати, дини ва тилидан қатъи назар, барча фуқаролар тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эга эканлиги кафолатланган. Бугунги кунда Ўзбекистонда истиқомат қилаётган турли миллатлар вакиллари мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, жамиятда демократик жараёнларни чуқурлаштиришда фаол иштирок этмоқда. Қонун чиқарувчи, ижро ва суд ҳокимияти тузилмаларида мамлакатдаги барча миллат ва элатлар вакиллари фаолият кўрсатмоқда.

К. Воллебек 2010 йилнинг июнь ойида Қирғизистоннинг жанубий ҳудудларида юз берган фожиали воқеалар пайтида Ўзбекистон тутган позицияга юксак баҳо бериб, бундай ҳар томонлама пухта ўйланган оғир-вазмин ёндашув можаронинг авж олиши ва давлатлараро қарама-қаршиликка айланиб кетишининг олдини олиш имконини берганини алоҳида қайд этди. ЕХҲТ Олий комиссари Қирғизистонда рўй берган воқеалар юзасидан мустақил халқаро тергов ўтказиш муҳим эканини яна бир бор таъкидлади.

Учрашувда Ўзбекистон билан ЕХҲТнинг кам сонли миллатлар масалалари бўйича Олий комиссари идораси ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболларига оид, шунингдек, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар кўриб чиқилди.

ЎзА.





"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми", "Меҳр нури" хайрия жамғармаси, "Аёллар кенгаши" республика жамоат бирлашмаси, "Келажак овози" ЁТМ, "Камолот" ЁИҲ ҳамда маҳаллий ҳокимликлар ҳамкорлигида республикамизнинг барча вилоятларида "Биз 20 ёшдамиз!" акцияси бошланди. Лойиҳа бўйича илк тадбир Олмалиқ шаҳрида бўлиб ўтди.

«БИЗ ЙИГИРМА ЁШДАМИЗ»

Унда олмалиқлик иқтидорли ёшлар, коллеж битирувчилари, вилоят олий ўқув юртлари талабалари, меҳрибонлик уйлари, кам таъминланган оилалар фарзандлари ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этишди. Мақсад – мустақил Ўзбекистон келажаги бўлган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш. Тадбиркорлик билан шуғулланишни хоҳловчи ёшлар учун ташкил этилган "Ёш тадбиркорлар форуми", "Бўш иш ўринлари ярмаркаси", "Келажак овози" танлови ахборот акцияси ҳамда "Дилемма" мунозаралар клуби тақдимоти айнан шу мақсадга йўналтирилди.

Шу кунгача Фондфорум акцияларида 55 мингдан зиёд ёшлар иштирок этиб, энг иқтидорлилари муносиб рағбатлантирилган бўлса, бугун бу акцияда иштирок этиш истагини билдирган ёшлар янада ортди. Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган тадбирлар энди вилоятимизнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам давом этади.

Саида РАҲМОНОВА.

СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.
Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қилган маърузаси жамиятимизнинг барча соҳалари, жумладан, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришда туб бурилиш даврига асос солди. Жамиятимизнинг кейинги тараққиёт босқичи учун зарур концептуал қарашларни белгилаб берди.

"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" деб номланган ушбу маърузада таъкидланганидек, мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлимиз ва демократик ислоҳотлар соҳасида тўплаган тажрибамизни холисона баҳолаш, қўлга киритган юксак марраларимизни таҳлил этиш мамлакатимизни тадрижий ва босқичма-босқич ривожлантириш бўйича биз танлаган моделнинг нақадар тўғри эканини ва шу йўлдан бундан буён ҳам оғишмай қатъият билан боришимиз зарурлигини кўрсатмоқда.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ

Ушбу заруриятдан келиб чиққан ҳолда, Президентимиз ўз маърузаларида олтита йўналиш бўйича демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифаларини белгилаб бердилар. Айниқса, давлатчилигимиз ривожланиши учун ўта муҳим бўлган давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш масалалари бўйича берилган таклиф ва концептуал қарашлар ўта муҳим сиёсий аҳамиятга эга.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасида халқ ҳокимиятчилиги тамойили асосида сиёсат олиб борилади. Демократик жамият қуриш йўлини танлаган мамлакатда давлат ҳокимиятининг ягона манбаи – халқ бўлиб, давлат ўз навбатида халқ иродасини ифодалайди, халқ манфаатлари учун хизмат қилади. Республика шаклидаги бошқарувга эга демократик давлатларга хос бу хусусият Бош қомусимиз – Конституциянинг 7-моддасида қатъий белгилаб қўйилган.

Республикамизда давлат ҳокимияти фақат конституция асосида, қонунларда кўзда тутилган тартибда ва бунинг учун тегишли ваколатга эга идоралар томонидан амалга оширилади. Давлат ҳокимияти тизими юртимизда ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши тамойилига асосланади. Конституциямизнинг 11-моддасида белгилаб қўйилган бу тамойил улкан аҳамиятга молик. Зеро, ҳокимият ваколатларини тақсимлаш тамойили – ҳуқуқий демократик давлатнинг энг асосий белгиси ҳисобланади. Мазкур тамойилнинг яна бир талаби – ҳокимиятнинг бирор тармоғи бошқа бирининг фаолият соҳасига аралашмаслиги лозим. Шундагина давлат ҳокимиятининг бирор соҳаси бошқасининг фаолият доираси ҳамда ваколатларига дахл қила олмайди.

Ўзаро бир-бирини тийиб туриш деб аталувчи мазкур ҳуқуқий ҳолат давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари ўртасидаги мувозанатни сақлайди. Мазкур тамойил ҳокимиятнинг маълум гуруҳ ёки шахс томонидан суиистеъмол қилинишига тўсқинлик қилиши билан ҳам катта ҳуқуқий аҳамиятга эга.

Республикамизда қонун чиқарувчи ҳокимиятни халқ вакиллари органи бўлмиш Олий Мажлис амалга ошириб, қонун ижодкорлиги билан шуғулланади. Ижро этувчи ҳокимиятни ҳукумат, яъни Вазирлар Маҳкамаси амалга ошириб, амалдаги қонунлар ижросини таъминлайди. Суд ҳокимиятини эса Конституциявий суд, Олий суд ва Олий хўжалик суди амалга ошириб, улар биргаликда Ўзбекистон суд тизимини ташкил этади. Суд органи одил судлов сифатида қонунлар асосида баҳсли масалаларни ечиб боради.

Бош қомусимизнинг бешинчи бўлимида юқорида зикр этилган ҳокимият идораларининг ўзаро уйғунликдаги фаолият воситалари, шунингдек, мазкур идораларнинг ўзаро бир-бирини тийиб туриш тизимини яратувчи қоидалар белгилаб қўйилган.

Республикамизда давлат ҳокимияти ўз моҳиятига кўра ягона, чунки унинг бирдан бир ягона манбаи халқдир. Ҳеч бир ҳокимият органи бутун давлат ҳокимиятини амалга оширишга даъвогарлик қилиши мумкин эмас. Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятлари фақатгина ўзларига тегишли давлат ҳокимияти функцияларини амалга ошириш пайтида мустақил ҳисобланади.

Қайд этиш жоизки, эски маъмурий-буйруқбозлик тизими тугатилгани, демократик қадрият ва тамойилларга асосланган янги, мустақил давлатчилигимизнинг қарор топиши ва бозор иқтисодиётига ўтиш учун замин ҳозирлади. Юртимиз мустақилликка эришгач, янгича руҳ ва тамойиллар асосида фаолият кўрсатувчи давлат ҳокимияти идораларини шакллантириш жараёни тўхтаб қолмади. Юқорида таъкидланганидек, 1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида яратилган, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларининг бўлиниш тамойилига асосланган янги тизим мустақил давлатчилигимизни мустаҳкамлашда асосий негизга айланди. Юз бераётган тарихий-сиёсий ўзгаришлар, энг муҳими, давр талаби асосида бу тизим фаолиятини янада такомиллаштириш, тизим самарадорлигини янада ошириш юзасидан ислоҳотлар жараёни давом этмоқда.

Айтайлик, қонун чиқарувчи ҳокимият – Олий Мажлис 2002 йил 27 январда ўтказилган референдум асосида икки палата – Қонунчилик палатаси ва Сенатдан иборат парламентга айлантирилди. Кейинги ислоҳотлар давомида унинг ваколатлари кенгайтирилди. Ўзбекистон экологик ҳаракатининг 15 нафар вакили учун депутатлик ўринларининг белгилангани ҳам шундай ислоҳотлар самараси бўлди.

Суд ҳокимияти тизимида ҳам бир қатор ислоҳотлар ўтказилди. Аввало, тармоқда ташкилий-тузилмавий ўзгаришлар амалга оширилди. Судларнинг мустақиллигини таъминлаш учун ислоҳотлар натижасида қамоққа олиш учун санкция бериш ваколатининг судларга ўтказилиши, муқобил судлов тизими – ҳакамлик судлари фаолияти учун ҳуқуқий асос ҳозирлангани ҳам фикримиз исботидир.

Ижро этувчи ҳокимият тармоғида ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Маълумки, ҳозир бу ҳокимият аввалги тизимдан мутлақо фарқ қилади. У режалаш-тақсимлаш вазифаларидан озод бўлиб, асосан иқтисодий сиёсатни тартибга солиш ва мувофиқлаштириш билан шуғулланмоқда. Бу тармоқдаги ислоҳотлар аввалида кўплаб вазирликлар тугатилиб, уларнинг ўрнига эркин бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берувчи турли уюшмалар, концерн, корпорация ва холдинг компаниялари ташкил этилди.

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕК ХАЛҚИ ЯПОНИЯЛИК ДЎСТЛАРИНИНГ ҚАЙҒУСИГА ҲАМ, ХУРСАНДЧИЛИГИГА ҲАМ ДОИМО ШЕРИКДИР

2011 йил 11 март санаси нафақат инсоният тарихида мисли кўрилмаган даҳшатли табиий офатлардан бирини бошидан кечирган миллионлаб японияликларнинг, балки бутун дунё ҳамжамияти хотирасида бир умр муҳрланиб қолади. Барчамиз яна бир бор япон миллатининг ҳар қандай фалокат олдида ўзини йўқотмаслиги ва руҳан тетиклигига гувоҳ бўлдик.

Айнан шу куни Тинч океани кўрфази яқинидаги Япониянинг шимоли-шарқий соҳилларида жойлашган Тохоку ҳудудида 9 балли кучли зилзила содир бўлди.

Зилзила ва унинг ортидан юзага келган цунами тўфони ҳалокатли оқибатларга олиб келди. Океанда содир бўлган баландлиги бир неча метрлик улкан тўлқин йўловчи ва юк кемаларини соҳилга улоқтириб ташлади, ўн минглаб уйлар барбод бўлди, қирғоқ бўйи инфратузилмаси издан чиқди. Автомобиллар, одамларнинг мулклари, синган турли жиҳозлар худди дарахтларнинг барги каби лойқа сувда оқди. Зилзила силкинишига бардош бера олмаган АЭС реакторларига цунами жиддий зарар етказди. Кенг миқёсда радиациядан заҳарланиш хавфи кучайди.

Сўнгги маълумотларга кўра, қарийб 11 минг одам ҳаётдан кўз юмди, бедарак йўқолганлар тахминан 18 минг нафарни ташкил этмоқда, 300 мингдан зиёд одам бошпанасиз қолди. Бу қанчалик қайғули бўлмасин, афсуски, ушбу рақамларнинг ўсиши давом этмоқда.

Ҳалокатли зилзила инсонлар қурбон бўлгани билан бирга мамлакат иқтисодиётига ҳам катта зиён келтирди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, табиий офат етказган зарарлар миқдори 300 миллиард АҚШ долларидан ошиши мумкин.

(Давоми 2-бетда).

Японияда рўй берган кучли зилзила ва шиддат билан босган цунами табиатнинг бошқариб бўлмайдиган фалокатлари одамлар ҳаёти учун қандай даҳшатли оқибатларни келтириб чиқариши мумкинлигини яна бир бор исботлади. Бугунги кундаги глобал иқлим ўзгариши шароитида даҳшатли табиий офатларнинг тез-тез такрорланиши одатий ҳолга айланмоқда. Ушбу офатлар инсон ҳаёти ва фаолияти натижалари билан биргаликда илгари мисли кўрилмаган кўламдаги техноген фалокатларни келтириб чиқармоқда. Бунга Япония атом электр станциясида рўй берган фалокат яққол мисол бўла олади.

РОҒУН ЛОЙИҲАСИ – ЎРТА ОСИЁ УЧУН ЦУНАМИДАН ҲАМ ХАВФЛИРОҚ

Японияда содир бўлган ушбу фалокат бутун дунёда катта ташвиш уйғотмоқда. Кўплаб давлатлар ҳукуматларини шундай ҳалокатларнинг олдини олиш бўйича зарур чора-тадбирларни кўришга, ҳаттоки, зилзила юз бериш эҳтимоли назарий жиҳатдан ҳам деярли мумкин бўлмаган Германияда бўлгани каби, атом электр станциялари фаолиятини тўхтатишга мажбур қилмоқда. Мантиқан олиб қараганда, бундай чора-тадбирлардан кўзланган мақсад тушунарли, албатта. Бинобарин, дунёда бинолар ва иншоотларнинг зилзилага бардошлигига нисбатан талаблар ғоят қатъий бўлган ва сейсмик фаол зонада энг илғор қурилиш технологиялари асосида иш олиб бориладиган Япониядек давлатдаки шундай фалокатларнинг содир бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас экан, бошқа ҳеч бир мамлакат ўзини бундай офатлардан ҳимояланган, деб ҳисоблай олмайди.

Шу муносабат билан Тожикистон раҳбариятининг мамлакат аҳолиси онгига бир неча йиллардан буён муттасил қуйиб келинаётган Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳаси ҳақидаги баландпарвоз гаплари ёдга тушади. Ҳолбуки, бу ўринда гап тектоник емирилувчи ва йирик туз қатламлари мавжуд жойда дунёдаги энг баланд тўғонли Роғун ГЭСи қурилиши ҳақида бормоқда. Ачинарли жиҳати шундаки, гўёки, бу лойиҳа мазкур мамлакатда яшаётган одамларнинг тақдирини тубдан ўзгартириб юборади. Хайриятки, ушбу таги пуч ғоянинг асл моҳияти ва аянчли оқибатларини англаб етаётган соғлом фикрли олимлар ҳам йўқ эмас.

Роғун ГЭСи қурилиши ҳақидаги хомхаёл билан юрган Тожикистон раҳбарияти кўп йиллар давомида бутун дунё жамоатчилигини Тожикистонда ҳалокатли зилзилалар хавфи деярли йўқлигига ишонтиришга уриниб келаётганини эслатишга ҳожат бўлмаса керак. Хусусан, Тожикистон Бош вазири А. Оқилов ўтган йили Роғун ГЭСи қурилиши хавфи хусусида Ўзбекистоннинг сўровига юборган жавобида Роғун ГЭСи қуриладиган зонада 6 баллдан кучли зилзила бўлиши мумкин эмас, деб таъкидлаган.

Айни пайтда, Тожикистон Республикаси Фанлар академияси сейсмология институтининг фахрий директори, академик Собит Негматуллаев ИТАР-ТАСС мухбирига 2011 йил 15 мартда берган интервьюсида Японияда содир бўлган салкам 9 баллик зилзилага ўхшаш ер силкинишлари 1907 йилда Тожикистон ҳудудидаги Қоратоғда, 1911 йилда Помирда юз бергани ва Сарез кўлининг пайдо бўлишига олиб келганини, 1949 йилда Хайтда ҳам такрорланганини қайд этган. Ўша зилзилалар 100 мингдан зиёд одамнинг ҳаётига зомин бўлган. Академик С. Негматуллаев ушбу зилзилалар юзага келтирган жараёнларни таҳлил қилар экан, кейинги 10 йил мобайнида Помир-Ҳиндикуш тоғ тизмасида кучли ер силкиниши рўй бериши мумкинлигини башорат қилган.

Нуфузли олим томонидан келтирилган ушбу статистика Тожикистон Бош вазирининг таскин учун айтилган баёнотидан кўра ишончлироқ, албатта. Академик С. Негматуллаевнинг мазкур башоратлари сейсмология соҳасида жаҳон илмий жамоатчилиги томонидан эътироф этилган тадқиқот услубларига асослангани билан эътиборни тортади.

Тожикистон ҳукумати дунёдаги энг баланд тўғонни қуриш лойиҳасини қандай бўлмасин амалга ошириш мақсадида Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳаси билан боғлиқ техноген фалокатларнинг бўлажак хавфи ҳақида огоҳлантираётган кўплаб давлатларнинг олим ва мутахассисларининг ташвишли фикрларини эътиборсиз қолдирмоқда. Бу лойиҳа оқибатида юзага келадиган ўта жиддий хавфларни тожикистонлик олимларнинг хулосалари ҳам тасдиқлаб турибди. Айниқса, шуниси муҳимки, сейсмологлар Японияда содир бўлган зилзила ва Роғун ГЭСи қурилиши лойиҳалаштирилаётган ҳудуднинг сейсмик фаоллиги ўртасида бевосита боғлиқлик борлигига эътиборни қаратмоқда.

Агар бу ҳудудда Японияdagi каби кучли зилзила рўй берадиган бўлса, баландлиги 335 метрдан зиёд тўғонга чуқурлиги 300 метрдан юқори бўлган сувнинг кучли ва катта босими тушади. Оқибатда тўғон унга дош беролмай, пойдевори силжийди ва ўпирилиш юз беради. Бу эса даҳшатли цунамини келтириб чиқариши мумкин.

Баландлиги 10 метр келадиган цунами Японияда қандай вайронагарчиликларга сабаб бўлганини барчамиз кўрдик. Зеро, оқибатини ўйламасдан қурилаётган Роғун ГЭСи тўғони лойиҳаси амалга ошса ва у ўпирилиб кетадиган бўлса, Вахш дарёси оқими бўйлаб пастга шиддат билан ёпириладиган сувнинг баландлиги ер сатҳидан камида 100 метрни ташкил қилади, вайронагарчиликлар келтириши борасида Япониядаги цунамидан бир неча баравар ошиб тушади.

Тўғоннинг ўпирилиши Ўрта Осиё мамлакатлари учун, авваламбор, Тожикистоннинг ўзи учун мисли кўрилмаган фалокатлар олиб келади. Мутахассисларнинг фикрича, воқеалар шу зайлда ривожланадиган бўлса, катта миқдордаги сув пастга секундига 130 метр ёки соатига 468 километр тезликда Нурек ГЭСи томон ёпирилади. Нурек ГЭСи тўғони бутунлай вайрон бўлиб, Нурек шаҳри баландлиги 280 метр ва тезлиги секундига 86 метр бўлган сув босими остида қолади. Вахш каскадининг бошқа ГЭС ва гидроузеллари ҳам шу каби бутунлай вайронага айланади, Сарбон, Қўрғонтепа ва Румий шаҳарларини бутунлай сув босади. Сув тошқини зарбига биринчи бўлиб ушбу шаҳарлар дуч келади ва у Тожикистон, Ўзбекистон ва Туркманистоннинг бошқа ўнлаб шаҳарлари ҳамда аҳоли пунктларини ҳам босиб кетади.

Шу боис Японияда рўй берган зилзила ва унинг фожиали оқибатлари, шунингдек, тожикистонлик сейсмологларнинг холис фикрлари мисли кўрилмаган баландликда ушбу улкан гидроузел тўғонини лойиҳалаштириш ва қуришдек таги пуч ғояни амалга оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган Тожикистон раҳбариятининг кўзини очади, деб умид қиламиз.

С. ЖИГАРЁВ,
"Гидролойиҳа" МЧЖ директори.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ | «ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати | Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг!
Тел: 237-21-93; 237-16-24
Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ ИСЛОҲОТЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТАБИАТИ

Энг асосий ўзгаришлардан бири – жойларда давлат ҳокимиятини амалга оширувчи маҳаллий ҳокимият идораларининг ташкил этилгани билан боғлиқ. Ҳокимлар институти асосида вужудга келган ушбу тизимда жойларда ижро этувчи ҳокимият билан вакиллик ҳокимияти раҳбарининг вазифалари бирлаштирилди. Фуқаролик жамиятининг институти – фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари эса маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятига кўмаклашувчи, халқ ва давлат муносабатларидаги муҳим узвий бўғинга айлангани ҳам демократик ислоҳотлар жараёнидаги ютуқларимиздан бири бўлди, дейиш мумкин.

Аммо бу жараёндаги энг асосий сиёсий ютуғимиз, шубҳасиз, мамлакатимиз тарихида биринчи бор республика Президенти лавозимининг таъсис этилганидир. У ҳақли равишда сиёсий тизимнинг ўзаги бўлиб қолди.

Маълумки, президентлик ҳокимиятида Президентнинг давлат бошлиғи сифатидаги ваколатлари мужассам. Президент жамият ва халқ тинчлик-барқарорлиги, давлатимизнинг ислоҳотлар йўлидан боришининг кафолатидир. Энг асосийси – у халқ ишончи ва хоҳиш-иродасининг юксак жиҳатларини ўзида намоён этади.

Сир эмас, давлат ҳокимияти барча тармоқларида ўтказилган ислоҳотларнинг аввалида асосий ваколатлар ижро этувчи ҳокимиятнинг ихтиёрида бўлди. Бироқ демократик тараққиётимизнинг асосий мақсади – фуқаролик жамиятини барпо этиш бўлгани боис, давлатнинг роли ҳам ўзгариб бормоқда. Яъни марказий давлат ҳокимияти умуммиллий вазифаларни бажаришга қаратилиб, қолган масалаларни ҳал этиш аста-секин марказдан жойларга, давлат ҳокимияти органларидан жамоат ташкилотларига, ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказилмоқда. Бу, Юртбошимиз кўп бор таъкидлаганларидек, давлатчиликни шакллантириш ва ривожлантириш соҳасидаги стратегик вазифамиздир. У биз танлаб олган жамиятни демократик ривожлантириш йўлига асосланади.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Охирги йилларда давлат ҳокимиятида ўтказилган сиёсий-ҳуқуқий ислоҳотлар ҳам кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтишда муҳим босқич деб аталишга лойиқ. Президент ваколатларининг бир қисми ўтиши ҳисобига Бош вазир ваколатларининг кенгайтирилиши, 2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан мамлакат Президенти бир вақтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимият бошлиғи эканини белгилайдиган меъёрнинг чиқарилиши, шунингдек, илгари Президент эгаллаб турган Вазирлар Маҳкамаси раиси лавозимининг тугатилиши каби ўзгаришлар шулар жумласидандир. Умуман олганда Юртбошимиз таъкидлаганларидек, ўтган даврдаги ислоҳотлар ўта муҳим бир мақсадга, яъни ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий тамойилини ҳаётга изчил татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг ролини кучайтириш, суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш бўйича ғоят долзарб чора-тадбирлар кўрилди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, ён-атрофимиздаги айрим давлатлар ҳамон сиёсий-иқтисодий бўҳронлар муаммосига ўралашиб қолаётган бир шароитда мамлакатимиз Юртбошимизнинг узоқни кўзлаган оқилона сиёсати натижасида барқарор ривожланиш йўлидан бормоқда.

Айни пайтга келиб, аҳоли сиёсий-ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий онг даражасининг ўсиб бориши, ислоҳотларнинг жадаллашуви, мамлакатимизда кўппартиявийлик тизимининг мустаҳкамланиши давлат ҳокимиятининг учта субъекти, яъни давлат бошлиғи бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни вужудга келтирди. Ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг бир қанча соҳаларини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш учун янги қонунларни яратиш эҳтиёжи туғилди.

Мазкур сабаб ва шароитлардан келиб чиққан ҳолда Юртбошимиз маърузаси – Концепцияда моҳияти жиҳатидан давлатимизни демократик ривожлантириш, фуқаролик жамиятини қуришда янги босқични бошлаб берган қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди.

Уларга мувофиқ ишлаб чиқилган ва қабул қилинган бир қатор муҳим қонунлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2011 йил 25-26 март кунлари бўлиб ўтган бешинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан кўриб чиқилди. Хусусан "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)"-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни шулар жумласидандир. Мазкур қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига Бош вазир номзодини кўрсатиш ва тасдиқлашнинг янги тартиби амалга жорий этилди. Унга кўра, Бош вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп депутатлик ўринларини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилади. Бундай тартиб мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилишда парламент ҳамда сиёсий партиялар роли кучайишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 78-моддаси биринчи қисмининг 15-бандига киритилган, Олий Мажлис палаталарига мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалалари юзасидан Бош вазир ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш ваколатини беришни назарда тутадиган ўзгартириш ва қўшимчалар муҳим аҳамиятга эга бўлди. Қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ижро этувчи ҳокимият фаолияти устидан парламент назоратини олиб бориш имкониятларини янада кенгайтирди.

Янги тартибга кўра, энди Президентнинг Ҳисоб палатаси раисини тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш тўғрисидаги фармонлари Сенат томонидан тасдиқланади. Шу билан бирга, Президентнинг Вазирлар Маҳкамаси ваколатига киритилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиши мумкинлиги ҳақида норма Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан чиқариб ташланди. Бу каби ўзгаришлар ҳокимиятлар бўлиниши ва ўзаро тийиб туриш тамойилини мустаҳкамлаш билан бирга, барча давлат ҳокимияти субъектларининг ягона умуммиллий манфаатлар йўлида ҳамкорликда фаолият юритишини таъминлаши шубҳасиз.

Конституциянинг 93-моддаси 15-бандига киритилган ўзгартиришга кўра, энди вилоят ва Тошкент шаҳри ҳокими лавозимига номзодлар Бош вазир тақдимига асосан Президент томонидан тасдиқланади.

Хулоса қилиб айтганда, Концепциядан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилган мазкур ўзгартириш ва қўшимчалар, давлат бошқаруви ислоҳотлари ва сиёсий тизимни модернизация қилиш жараёнида амалга оширилиши лозим бўладиган бошқа чора-тадбирлар ўз мазмун-моҳиятига кўра мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштиришнинг янги босқичини бошлаб беради. Давлат ҳокимиятини демократлаштириш жараёнини жадаллаштириб, ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий тамойилини мустаҳкамлаб, улар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Қабул қилинган қонунларнинг жорий этилиши эса Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган ислоҳотларнинг изчиллигини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштиришда муҳим омил бўлади.

Энг эътиборлиси, давлат бошқаруви соҳасидаги ушбу ислоҳотлар давлат ҳокимиятининг ягона манбаи бўлмиш халқ манфаатлари учун хизмат қилади, аҳоли тинчлик-фаровонлиги ва барқарор тараққиётни, буюк келажагимизни таъминлаб беради.

Рустам ХОЛМАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси,
Тошкент вилояти ҳокими.



КЎЧАТ ЭК, БОҒ ЯРАТ

Кўчалар ён-атрофини саранжом-саришта қилиш халқимизга хос одат. Бу фазилат фарзандларимизни миллий қадрият, урф-одатларимизни асраб-авайлашга, қолаверса, меҳнатсевар, ташаббускор бўлишга ўргатади.

Вилоятимизнинг барча гўшаларида мустақиллигимизнинг 20 йиллиги муносабати билан ўтказилаётган "20 туп дарахт – менинг тухфам" лойиҳаси анъаналаримиз давомийлигини таъминлаётгани шубҳасиз.

Лойиҳа доирасида Бўка туманида олиб борилаётган ишлар айни қизғин паллада. Туман ҳокимлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда "Камалак" болалар ташкилоти ҳамкорлигида ажратилган майдонларга турли мевали ва манзарали дарахтлар экилмоқда. Ҳозиргача 300 туп манзарали кўчатлар қадаб бўлинди. Эътиборлиси шуки, бундай хайрли ишларга нафақат ёшлар, балки уларнинг ота-оналари, туман ва маҳалла фаоллари ҳам сидқидилдан бош қўшмоқдалар.

– Бобом айтдилар, биз эккан дарахтнинг меваларини еган одамлар дуо қилишар экан, – дейди олти ёшли Сарвар Расулов. – Шунинг учун ака-опаларимга ёрдам бераяпман.

Бугунги кунгача 1500 га яқин мевали, 2 мингдан ортиқ манзарали ва 1 мингга яқин терак қаламчалари экилди.



Ирода НОРБОЕВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

СУРАТЛАРДА: тадбирдан лавҳалар.

Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.

МАКТАБДА ҲАШАР

Зангиота туманидаги 58-мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари ҳашар уюштириб, мактаб ҳудудида "Баркамол авлод" боғи барпо этишди.

Ҳашар чоғида 400 туп терак ва 280 туп мевали дарахт кўчатлари экилди.

Шоҳруҳ ҲАКИМОВ.

ИСЛОҲОТЛАР – ИНСОН УЧУН

НОТАРИАТ СОҲАСИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Нотариат ҳуқуқшунослик соҳасида энг муҳим тизимлардан бири бўлиб, жамиятда келиштирувчи вазифасини бажариши учун давлат ваколат берган институт ҳисобланади. Нотариал идоралар фаолияти учун масъул мансабдор шахс – нотариус фуқаро ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини ҳимоя қилади.

Нотариус амалга оширувчи ҳаракатлар ижтимоий, фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишга йўналтирилгани боис, охирги йилларда соҳани такомиллаштиришга қаратилган ислоҳотлар ўтказилди. Жумладан, эркин бозор иқтисодиёти ва турли шаклдаги мулкчиликка асосланган ижтимоий ҳаётимизда нотариат соҳасига ҳам хусусий мулкчилик ва тадбиркорлик унсурлари татбиқ этилди. "Нотариат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига кўра, мамлакатимизда нотариал ҳаракатларни давлат нотариал идоралари билан бир қаторда хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар ҳам амалга ошира бошлади. Аммо бундай тизим амалиётда ўзини оқламагани сабабли соҳага оид ҳуқуқий муҳитни қайта кўриб чиқиш зарурияти туғилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 5 майдаги "Ўзбекистон Республикасида нотариал институтни янада такомиллаштириш чоралари тўғрисида"ги Фармонига асосан хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариусларнинг фаолияти тугатилди. Бундан ташқари, 2010 йил 14 сентябрда Ўзбекистон Республикасининг "Адлия органлари ва муассасалари фаолияти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди. Мазкур қонунга мувофиқ фуқаролар йиғинлари раисларининг айрим нотариал ҳаракатларни амалга оширишга доир ваколатлари кескин қисқартирилиб, уларга фақатгина қонунда белгиланган ҳолатларни, жумладан, пул ва жўнатма олиш учун, иш ҳақини ҳамда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ бошқа тўловларни, муаллифлар ва ихтирочиларнинг ҳақларини, пенсиялар, нафақалар ва стипендиялар каби маблағларни олиш учун ишончномаларни белгиланган тартибда тасдиқлаш ваколати қолдирилди.

Муомалага лаёқати чекланган деб топилган, қасддан содир этган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки олиб ташланмаган, ўз касбий фаолиятига мос келмайдиган қилмишлар содир этгани учун нотариус, адвокат, терговчи, прокурор, судья ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг бошқа ходими сифатидаги ваколати белгиланган тартибда тугатилган шахслар нотариус бўла олмаслиги тўғрисидаги қоида жорий этилди. Эндиликда нотариусликка номзод бўлган шахсларга нисбатан ёш даражаси жорий этилиб, у 25 ёш қилиб белгиланди.

Нотариал соҳада жорий этилган яна бир муҳим янгилик нотариуснинг Адлия вазирлиги ҳузуридаги Олий малака комиссиясининг мажлисида тегишли тартибда қасамёд қилиши лозимлигидир. Бунда нотариус томонидан ўз касб мажбуриятларининг бузилиши оқибатида етказилган зарарни қоплаш тартиби аниқ-равшан белгилаб берилди.

Нотариал соҳада қонунчиликка киритилган ўзгартишлар халқимиз турмуш тарзининг яхшиланишига, юртимиз фаровонлигига хизмат қилади.

Муҳаббат КОМИЛОВА,
Янгийўл туман 2-давлат нотариал идораси нотариуси.

ЎЗБЕК ХАЛҚИ ЯПОНИЯЛИК ДЎСТЛАРИНИНГ ҚАЙҒУСИГА ҲАМ, ХУРСАНДЧИЛИГИГА ҲАМ ДОИМО ШЕРИКДИР

Кўплаб ер силкинишлар азобини тортган Ўзбекистонда биродар япон халқининг бошига тушган бу оғир синов ҳақидаги мудҳиш хабарни қалбда қаттиқ изтироб билан қарши олинди. Мамлакатимиз халқи офат содир бўлгандан буён ўтган кунлар давомида Япония аҳолиси тақдирнинг фожиали зарбасини мардларча ва фидокорона бартараф этаётганини ҳаяжонда, ушбу фалокат тез фурсатларда чекинишига хайрихоҳлик билан кузатди. Зилзиланинг фожиали оқибатларига, оғир жудоликларга қарамасдан, япон халқи ушбу кўргиликларни ваҳималарсиз, матонат ва аҳиллик билан қабул қилди. Фожианинг эртанги кунидан бошлаб улар ўз кучлари билан уй-жойларини қайта тиклашга тайёр эдилар. Японлар бу ер – уларнинг уйлари, Ватанлари эканлигини жуда яхши англаб етишади.

Айнан японияликларнинг ўзларига хос бўлган шундай миллий хусусиятлари, ҳукуматнинг ҳамда фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш бўйича дунёда тенги йўқ тизимнинг самарали фаолияти туфайли бундан-да оғир оқибатларнинг олдини олишга муваффақ бўлинди. Бутун дунё японларнинг энг оғир тарихий даврларда бутун миллатни сафарбар этиб, қўйилган мақсадларга эриша олишларига яна бир бор шоҳид бўлди. Япония одамзотнинг офат олдида ҳам ўз инсоний қиёфасини сақлаб қолиши мумкинлигини намойиш этди. Кунчиқар мамлакат аҳолисида "ҳаммаси тугади", деган тушкун кайфият йўқ. Улар фақат бир нарсани, яъни, офат юз берганини ва муаммоларни бирин-кетин ҳал этиш лозимлигини билишади.

Барча оила аъзолари – турмуш ўртоғи, болалари, неваралари ҳалок бўлганидан бағри қон, фиғон чекканча кўзда ёш билан ўз бурчини бажаришда, тирик қолганлар ҳақида қайғуришда давом этаётган Япониянинг Сендай шаҳрида истиқомат қилувчи кекса ўт ўчирувчи ҳақидаги телелавҳани кўпчилик кўрди. Бу каби мисолларни минглаб келтириш мумкин.

Фожиа пайтидаги тартибсизлик ва эгасизликлардан фойдаланиб ўзгаларнинг мулкларига кўз олайтириш, нарх-навонинг кескин ошиб кетиши ҳолатлари учрагани йўқ. Дўкон эгалари, одатдагидек, маҳсулот нархларини пасайтиришди. Қолаверса, ичимлик сувини бепул тарқатишди. Кулфатдан жабр кўрмаган японияликлар бошпанасидан маҳрум бўлган ватандошларига ўз уйларидан жой беришди. Оғир дақиқаларда бор бисотини бошқалар билан баҳам кўрган японияликларнинг бундай хатти-ҳаракатлари бизнинг халқимизга ҳам ёт эмас. Қийин вазиятга тушиб қолганларга қўлдан келганча ёрдам кўрсатиш ўзбек ва япон халқларининг феъл-атворига хосдир. Зеро, бизда ҳам, уларда ҳам "мусибат ўзганики бўлмайди", деган нақл бор.

Фалокатга учраган туманларга керакли ёрдам етказилмоқда. Оддий халқ ва йирик корхоналар ёрдам кўрсатиш учун бор кучларини ишга солмоқдалар. Мамлакат ҳукуматида Япония бош вазири Наото Кан бошчилигида махсус қўмита ташкил этилди. Фалокат юз берган ҳудудга 100 мингдан зиёд Мудофаа кучларининг ҳарбийлари жўнатилди. "Фукусима" атом электр станциясида 200 дан ортиқ мутахассис ва ўт ўчирувчилар ўз ҳаётларини хавф остига қўйиб, мамлакат ва ватандошларини қутқариш учун чинакам жасорат кўрсатишмоқда. Уларнинг қаҳрамонлиги ва фидокорлиги кишини ҳайратга солади. Зеро, улар ўз ҳаётларини қурбон қилишга тўғри келишини олдиндан билишгани боис, ўз қариндош-уруғлари билан видолашган ҳолда, ушбу офатга қарши курашга кўнгилли бўлиб жўнаб кетишган. Уларнинг 17 нафари ўлим билан тугайдиган даражада радиация билан нурланганлар.

Император Акихито японияликларга оталарча мурожаат этиб, "оғир дамларни матонат билан енгиб ўтиш" учун ўзини йўқотмасдан, бир-бирини қўллаб-қувватлашга чақирди. Мамлакат етакчиси "зилзила ва цунамидан қурбон бўлганларнинг барчасининг охиратлари обод бўлиши учун ибодат қилишини маълум қилди".

Бугун япон халқи сўнгги кунларда сурункасига давом этаётган табиий офат зарбаларини матонат билан енгиб ўтишда давом этмоқда.

Японияликларнинг бошига тушган улкан кулфат Ўзбекистоннинг ҳеч бир фуқаросини бефарқ қолдирмади. Халқларимизни кўп асрлик тарихий ва маданий ришталар боғлаб туради.

Япония мамлакатимизнинг йигирма йиллик мустақил тараққиёти давомида кўплаб муҳим ижтимоий-иқтисодий дастурлар ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишда дўстона ёрдам бераётганини ўзбекистонликлар яхши билишади ва қадрлашади.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов жаҳоннинг етакчи давлатлари раҳбарлари орасида биринчилардан бўлиб табиий офат содир бўлган кун – 11 мартнинг ўзидаёқ Япония ҳукумати ва халқига даҳшатли фожиа муносабати билан ўзининг чуқур ҳамдардлигини билдириб, ўзбекистонликлар япон халқининг бошига тушган фалокат ва ўрнини ҳеч бир нарса билан тўлдириб бўлмайдиган йўқотишларга шерик эканлигини қайд этди.

Ўзбекистон раҳбариятининг қарори билан Японияда табиий офат оқибатида жабр кўрганларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатилди. Ушбу ишнинг халқимиз томонидан асрлар давомида сақланиб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган инсонпарварлик, олижаноблик, ўзаро ёрдам ва мурувват каби қадриятларни ўзида мужассам этиб келган Наврўз айёми кунларида амалга оширилгани чуқур рамзий маънога эгадир.

Мамлакатимиз томонидан кўрсатилган кўмак Японияда юксак баҳоланди. Япония Бош вазири Наото Кан ва мамлакатнинг ташқи ишлар вазири Такеаки Мацумото Ўзбекистон ҳукуматига маънавий жиҳатдан далда бўлган илиқ сўзлари ҳамда кўрсатилган инсонпарварлик ёрдами учун самимий миннатдорлик билдиришди.

Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ёшихиса Курода мазкур ҳолат замонлар мобайнида синалган икки томонлама дўстлик ва шериклик алоқаларининг яна бир исботи бўлганини, бу эса ўзаро муносабатларнинг янада кенгайиши ва мустаҳкамланишидан далолат беришини таъкидлади.

Япониянинг Ўзбекистондаги собиқ элчиси, сенатор Кеко Накаяма қалбини ларзага солган, минглаб ватандошларини йўқотган оғир бир пайтда Ўзбекистон раҳбарияти томонидан йўлланган Япония халқини маънавий ва руҳий жиҳатдан қўллаб-қувватловчи ҳамдардлик сўзлари учун чин юракдан миннатдорлик билдирди.

У шунингдек, Япония табиий фалокатлар синовини биринчи маротаба бошидан кечирмаётгани, бундай ҳолат 1995 йилда Кобе ҳудудида ҳам юз бергани ҳамда мамлакат ушбу офатларни вақт ўтиши билан бартараф этиши шубҳасиз эканига қарамай, Ўзбекистоннинг оғир дамлардаги кўмаги оддий япон халқининг қалбидан бир умрга жой олишини таъкидлади.

Токионинг "Нарита" аэропорти маъмуриятининг иш бошқарувчиси Ёасу Фукумото бу борадаги ўз мулоҳазаларини қуйидагича баён этди: "Бугун япон халқи оғир дамларни бошидан кечирмоқда. Япониянинг шимолида юз берган мудҳиш табиий офат натижасида бошпанасиз қолган кишиларга Ўзбекистон халқи томонидан юборилган палатка, адёл, оёқ кийимлари жуда ҳам зарурдир.

Шуни алоҳида айтиш жоизки, ҳақиқий дўст айнан бошга кулфат тушган кунларда елкама-елка туриши билан билинади. Бунинг учун Президент Ислом Каримов ва ўзбекистонликларга чуқур миннатдорлик билдирамиз".

– Ўзбекистон ва Япония орасидаги масофанинг узоқ бўлишига қарамасдан, дўстлик ришталаримиз нақадар мустаҳкамлиги яққол намоён бўлмоқда, – дейди Токио фуқароси Осаму Хашимото. – Ўзбек халқи ўзининг сахийлиги ва бағрикенглиги билан ажралиб туради. Кунчиқар юрт аҳли Ўзбекистонда олижаноблик ва самимийлик каби инсоний фазилатларнинг нақадар юксак қадрланишини яхши билади. Буни самимият билан юборилган инсонпарварлик ёрдами ҳам тасдиқлаб турибди. Шу муносабат билан, Президент Ислом Каримов ва Ўзбекистон халқидан японияликларни оғир дамларда қўллаб-қувватлаётгани учун миннатдормиз.

Ушбу инсонпарварлик ёрдами 23-24 март кунлари Фукусима ва Мияги маъмурий ҳудудларида жойлашган манзилларга етказиб берилди.

Фукусима ҳукуматининг халқаро департаменти бўлими директори Тошиаки Абенинг сўзларига кўра, маъмурий ўлка улкан табиий офатлар гирдобида қолган бир даврда Ўзбекистон ҳукумати томонидан юборилган инсонпарварлик ёрдами – адёл ва палаткалар етиб келди.

"Ўзбекистон ва Фукусима ўртасида кўп томонлама ва халқаро муносабатлар фаол даражада олиб борилмоқда. Делегациялар алмашинуви йўлга қўйилган. Яна бир бора табиий офат натижасида юзага келган оғир дамларда қилинаётган алоҳида эътибор учун Ўзбекистон раҳбариятига самимий миннатдорлигимизни билдирамиз", деди Т. Абе.

Шу кунларда инсонларда умид ва ишонч уйғотувчи, тинчлик, фаровонлик ва ҳаётнинг янгиланиши рамзи ҳисобланмиш сакура дарахтининг гулга кириши японлар томонидан ўзгача ҳаяжон билан кутиб олиниши ҳам тасодиф эмас, албатта.

Айнан шундай ҳис-туйғуларга тўла Япониянинг футбол бўйича олимпия терма жамоаси аъзолари ўз ватанида кечаётган фожиали воқеаларга қарамай, Лондон олимпиадасига тайёргарликни давом эттиришга қарор қилишди ва қийғос очилган бодом ва ўрик гулларининг иси уфуриб турган мамлакатимизга ўртоқлик учрашуви ўтказиш учун етиб келишди. Мураббийлар жамоаси, футболчилар, "Пахтакор" марказий майдонига йиғилган минглаб мухлислар Японияда табиий офат натижасида қурбон бўлганлар хотираси учун бир дақиқа сукут сақлашди.

– Бизни мамлакатимиз учун оғир дамларда умидлантириб турувчи омил – бу эртанги кунга ишончдир, қолаверса, минглаб чақирим узоқликда жойлашган бўлишига қарамай, мададкор дўстларнинг доимо бирга бўлиши ҳам катта аҳамиятга эгадир. Бундай пайтда географик координатлар ҳам шартли саналади. Биз Ўзбекистонда Япониядаги фожиага нисбатан чуқур қайғуриш ва самимий муносабатнинг гувоҳи бўляпмиз. Бунинг учун инсонийлик нуқтаи назаридан сиздан бағоятда миннатдормиз, – деди Япониянинг олимпия терма жамоаси бош мураббийи Такеши Секизука.

Хулоса ўрнида тўла ишонч билан айтиш мумкинки, тақдир синовига юзма-юз келган бугунги ҳолатда японияликлар ўзаро жипслашган, ўзларини янада матонатли ва дадил тутишмоқда. Ҳеч шубҳасизки, японияликларнинг мушкул ҳолатлардан чиқиб кетиш бўйича ўн йиллар давомида шаклланган доимий ҳушёрлиги бўлмаганда, одамлар орасидаги қурбонлар сони бундан ҳам кўп бўлиши мумкин эди.

Биз ўзбекистонликлар Япония дунёнинг етакчи мамлакатларидан бири сифатида қисқа вақт ичида вайрон бўлган иншоотларни қайта тиклаш ишларини муваффақиятли якунлашига, биродар япон халқи эса ўзига хос қадр-қиммати ва меҳнатсеварлиги билан ўз келажагини қуришда давом этишига ишонамиз.

«Жаҳон» АА.

ЁШЛАР ВА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТ

Юқоричирчиқ туманидаги Жумабозор педагогика коллежида хотин-қизлар қўмитаси, Халқ демократик партияси ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгашлари ҳамкорлигида республика Президентининг мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси мазмун-моҳиятини ёшлар ўртасида тарғиб қилиш мақсадида "Ёшлар – демократик ислоҳотлар сари" мавзусида учрашув ташкил этилди.

Тадбирда педагогика, агросаноат ва иқтисод, қурилиш ва сервис касб-ҳунар коллежлари талабалари иштирок этишди.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ
Барча турдаги коммунал тўловларини қабул қилади
Почта алоқаси хизматларидан фойдаланинг!
Тел: 233-57-47
Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

XXI аср ва ДУНЁ

ОБАМА ЛИВИЯГА ТРИЛЛИОН ДОЛЛАР САРФЛАМОҚЧИ ЭМАС



АҚШ президенти Барак Обама 29 март куни телемурожаатида Қўшма Штатлар Ливиядаги ҳарбий операцияларда иштирок этишдан қандай мақсадларни назарда тутаётганини изоҳлашга уринди.

"Халқаро коалициянинг Ливиядаги ҳаракатлари, – деди Обама, – бутун минтақадаги барқарорликка таҳдид солаётган "қирғинбаротни тўхтатди". У таъкидладики, Ливия раҳбари Муаммар Каддафини ҳарбий йўл билан олиб ташлаш "жуда қимматга тушадиган хатолик бўлур эди". АҚШ президентининг айтишича, Ироқдаги "мавжуд тузумни алмаштиришга саккиз йил вақт кетди, минглаб киши ҳалок бўлди, триллион долларга тушди". "Биз Ливияда ҳам бу ҳол такрорланишини истаймаймиз", деди у.

Обаманинг гапига қараганда, 30 мартдан бошлаб Ливиядаги операцияни назорат қилиш АҚШдан тўла НАТО қўлига ўтади. Шимолий Атлантика альянси раҳбарлари 27 мартда Ливиядаги операцияларни бошқаришга рози эканликларини маълум қилишганди.

Ливиядаги операцияларда АҚШдан ташқари Буюк Британия, Франция, Канада ва бир қатор Европа мамлакатлари, шунингдек, Қатар ва БАА ҳам иштирок этмоқда.

РАДИАЦИЯ МИНГ БАРАВАР ОШДИ

Япониянинг "Фукусима-1" АЭС яқинидаги денгиз сувида радиоактив йод миқдори 28 март куни меъёрдагидан 1150 баравар ошди. AFP агентлиги мамлакат ядро хавфсизлиги агентлиги вакилининг сўзларига таяниб, шу хабарни тарқатди.

Tokyo Elektrik Power Co (TEPCO) атом станцияси компания-оператор муҳандислари қирғоқдан 30 метр ичкарида радиоактив моддани аниқладилар. "Фукусима-1" АЭСнинг бешинчи ва олтинчи реакторлари яқинида йод тўпланган кузатилганди. Маълум қилинишича, TEPCO ходимлари шу реакторлардаги совутиш тизимларини тиклашга муваффақ бўлганлар.

Бу орада Япония ҳукумати АЭСнинг ҳолати ҳақида хато маълумотлар тарқатилишига масъул бўлган TEPCO ходимларини танқид остига олган. 27 март куни TEPCO иккинчи реакторда нурланиш даражаси 10 миллион баравар ошганлигини маълум қилганди. Бир неча соатдан сўнг компания бу маълумотга аниқлик киритиб, амалда радиация ҳолати меъёрдан 100 минг марта юқорилигини айтди.

БЕРЛУСКОНИ СУДГА ТАШРИФ БУЮРДИ


Италия бош вазири Сильвио Берлускони саккиз йилдан сўнг биринчи марта судга келганлиги ҳақида хабар тарқатди AFP агентлиги.

Ҳукумат раҳбари ўзи асос солган Mediaset холдингнинг молиявий ҳийла-найранглари борасидаги ишни кўриб чиқаётган Милан суди йиғилишида ҳозир бўлди. Ишнинг ушбу дастлабки тинглови Берлусконини бу жараёнга гумон қилинувчи сифатида тортиш учун асос бор-йўқлигини кўриб чиқишга бағишланганди. Мажлис ёпиқ ҳолда ўтказилди, унинг якуни ҳақида маълумотлар йўқ.

Берлускони суд мажлисига келиши олдидан унга қаратилган барча гумонлар асоссиз эканлигини баён этганди. Бош вазирни илгари ҳам бир неча бор судга чақиришди, аммо у буларни эътиборсиз қолдирди. Mediasetнинг иши фильмларни намойиш этиш ҳуқуқини сотиб олишга тааллуқли.

БОШ ЖАЛЛОДНИ ОЗОД ЭТИШМОҚЧИ

Адвокатлар Пол Пот тузумига қаршилар инсон учун номуносиб шароитда сақланган ва аёвсиз қийноққа солинган "Туол Сленг" турмаси коменданти, Қизил кхмерлар собиқ тарафдори Канг Кек Леуни озод этишни талаб қилмоқдалар.



AFP агентлигининг хабарига кўра, 15 минг кишининг қатлида айбдор ҳисобланган "ўлим лагери"нинг собиқ бошлиғи Қизил кхмерлар иерархиясида арзимаган лавозимда бўлган ва фақат буйруқни бажарган, дейилади Кампучия Олий суди палатасига йўлланган шикоят аризасида. Канг Кек Леунинг адвокати суд мажлисида сўзга чиқиб: "У қотиб эди, партиянинг юқори лавозимли аъзоларининг топшириқларини ўзгартиролмасди ва бажаришга мажбур эди", деди.

БМТнинг Халқаро ҳуқуқ комиссия қонун-қоидасига кўра, агар жиноий буйруқни ижро этувчининг ихтиёри ўзида бўлмаса, жавобгарликдан соқит қилиниши айтилган. Собиқ Қизил кхмерчи Канг Кек Леу мажлисда судга мурожаат қилиб, "Туол Сленг" турмасидаги қийноқлар ҳақида баҳслашмоқчи эмаслигини, бироқ БМТ ҳарбий трибунали унинг ишини кўриши мумкин эмаслигини исботламоқчи эканлигини маълум қилди.

Ўтган асрнинг 70-йилларида Кампучияда ҳукм сурган Қизил кхмерлар тузуми душманлари "Туол Сленг" турмасига ташланарди. Маълумотларга қараганда, 15 минг киши ўлдириб юборилган, фақат 12 минг маҳбус омон қолган. Пол Пот тузуми тугатилгач, Канг Кек Леу қарийб 20 йил яшириниб юрди. 1999 йили инглиз репортёри турманинг собиқ комендантини таниб қолди. Шундан сўнг Қизил кхмерларнинг "бош жаллод"и полицияга таслим бўлди.

ХАМИС КАДДАФИ ЎЛДИРИЛГАНИ РОСТМИ?

Ливия президенти Муаммар Каддафининг ўғли Хамис ўлдирилгани ҳақида қатор оммавий ахборот воситалари хабар тарқатган эди. Reuters агентлиги эса, 29 март куни Хамис давлат телевидениеси орқали кўриниш берганини маълум қилди.

Мамлакат телевидениеси эфирга узатган кадрларда "Хамис Каддафига ўхшаб кетадиган" ҳарбий кийимдаги одам Триполидаги Баб ал-Азизия ҳарбий базасида армия юк машинасида кета туриб, тарафдорлар билан саломлашган. Муаммар Каддафининг қароргоҳи шу база ҳудудида жойлашган.

Италиянинг AGI ахборот агентлиги тарқатган хабарда Каддафининг ўғли 19 март куни унинг ёнгинасига исёнчилар самолёти қулаб тушиб, ёниб кетганда олган жароҳати сабабли ҳалок бўлганлиги маълум қилинганди. AGIнинг шу ҳақда изоҳ сўраб қилган мурожаатига Ливия ҳукуматидагилар қатъий рад жавобини беришган.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ДАРОМАДЛАР ТЎҒРИСИДА ДЕКЛАРАЦИЯ ТОПШИРИШНИ УНУТМАДИНГИЗМИ?

Маълумки, юртимизда ҳар бир фуқаро ҳалол меҳнат қилиб, истаганча даромад олиши учун шарт-шароитлар яратилган. Улардан оқилона фойдаланган ҳолда икки ва ундан кўп иш жойида меҳнат қилиб ёки мол-мулк (уй-жойлар, бино-иншоотлар ва автотранспортлар)ни ижарага бериб қўшимча даромад олаётган юртдошларимиз олинган даромадлари ҳақида давлат солиқ хизмати идораларига жорий йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай декларация топширишлари лозим.

Мол-мулкни ижарага беришдан даромад олаётган жисмоний шахс белгиланган тартибда даромадлар тўғрисидаги қуйидаги декларацияларни тақдим этади:

– дастлабки декларацияни – шундай даромадлар юзага келган кундан эътиборан бир ой ўтгач, беш кунлик муддатда, агар бу даромадларга жисмоний шахслар даромадларига тўлов манбаида солинадиган солиқ солинмаган бўлса;

– якуний декларацияни – ўтган солиқ давридан кейинги йилнинг 15 январига қадар.

Мол-мулкни ижарага беришдан даромадлар олиш тугаган тақдирда жисмоний шахс доимий яшаш жойидаги давлат солиқ хизмати органини бу ҳақда ёзма тарзда хабардор этади.

Шу ўринда юртдошларимизга даромадларидан декларация орқали солиқларни тўлаш борасида бир қатор қулайликлар яратилганлигини ҳам эслатиб ўтамиз. Декларация асосида солиқларни тўлаш бевосита ҳудудий давлат солиқ инспекцияларига тариф буюриш, почта ва интернет хизматларидан фойдаланиш орқали амалга оширилиши ҳам мумкин. Бу борада давлат солиқ қўмитасининг ташаббуси билан яратилган "Солиқ тўловчи – жисмоний шахсларга интернет орқали интерактив хизмат кўрсатиш" дастуридан ҳозирги кунда амалда фойдаланилмоқда. Ушбу дастур солиқ тўловчиларга иккита йўналиш бўйича хизмат кўрсатмоқда.

Биринчидан, интерактив хизмати кўрсатиш бўйича, яъни декларация тақдим этиши лозим бўлган фуқаролар ҳисоботларни интернет тизими орқали электрон кўринишда юбориши, иккинчидан, хусусий тадбиркорлар ўзларида ўтказилган текширувлар тўғрисида ДСИдаги маълумотларни кўриши ҳамда фуқаролар ўзларига ҳисобланган, тўланган солиқлар тўғрисидаги маълумотларни (шахсий ҳисоб варақаларни) кўриши, ундан кўчирма олиши, солиқ тўловчининг китобчасини чоп этиш имконияти яратилган.

Ушбу хизматдан фойдаланиш учун фуқаролар ўзлари рўйхатдан ўтган ҳудудий давлат солиқ инспекцияларидан электрон рақамли имзо (ЭРИ) калитларини бепул олишлари мумкин ва юқорида келтирилган интерактив хизматлардан фойдаланиш бўйича қўлланмалар ҳудудий солиқ идораларида мавжуд бўлиб, солиқ тўловчилар мурожаатлари асосида уларга қўшимча тушунтиришлар берилади.

Шунингдек, солиқ тўловчиларга янада қулайликлар яратиш мақсадида Давлат солиқ қўмитасининг расмий веб сайти – www.soliq.uz да жойлашган http://www.soliq.uz/docs/decl_tel_raqam.xls интернет саҳифасида ҳудудий туман ва шаҳар давлат солиқ инспекциялари ҳамда давлат солиқ бошқармасининг малакали мутахассислари телефон рақамлари мавжуд бўлиб, уларга мурожаат қилиш орқали солиқ тўловчилар батафсил маълумотга эга бўлишлари мумкин.

Бугунги кунга қадар вилоятнинг солиқ идораларига солиқ тўловчилар тўғрисидаги 14138 та маълумот тақдим этилган. Ушбу маълумотлар асосида декларация топшириши лозим бўлган солиқ тўловчиларга нисбатан солиқ кодексининг тегишли моддаларига асосан белгиланган тартибда солиқ ҳисобланиб, қўшимча ҳисобланган солиқларни тўлаш бўйича огоҳлантириш берилди.

Маҳкам РУСТАМОВ,
вилоят солиқ қўмитаси
жисмоний шахсларга
солиқ солиш бўлими
инспектори.

Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Тошкент филиали баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига: Янгийўл тумани СИБ томонидан 13.12.2010 йилдаги № 1028/20861-сон ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Халқобод қ.ф.й., У. Юсупов кўчаси, 2-уйда жойлашган "Агромакс Инвест Плюс" корхонасига тегишли бўлган бино ва иншоотлар қўйилмоқда, бошланғич нархи – 4 480 140 700 сўм. Зангиота тумани СИБ томонидан "Матлубот савдо" МЧЖ ва "Саидумар Абдуллаев" МЧЖ омборхоналарида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 15.02.2011 йилдаги № 2385-сон ижро ҳужжат. асосан, 1999 йилда и/ч., дав.бел. 30 W 3470 бўлган "Нексия" русумли автот. воситаси, бош. нархи – 10 000 000 сўм. 2. 15.02.2011 йилдаги № 2382-сон ижро ҳужжат. асосан, 1998 йилда и/ч., дав.бел. 15 V 2114 бўлган "Нексия" русумли автот. воситаси, бош. нархи – 9 600 000 сўм. 3. 15.02.2011 йилдаги № 2385-сон ижро ҳужжат. асосан, 1998 йилда и/ч., дав.бел. 40 U 596 BA бўлган "Дамас" русумли автот. воситаси, бош. нархи – 8 749 450 сўм. 4. 15.02.2011 йилдаги № 2384-сон ижро ҳужжат. асосан, 1999 йилда и/ч., дав.бел. 15 Z 2347 бўлган "Дамас" русумли автот. воситаси, бош. нархи – 8 900 000 сўм. 5. 15.02.2011 йилдаги № 2386-сон ижро ҳужжат. асосан, 1999 йилда и/ч., дав.бел. X 050 BVM бўлган "DAEWOO MUSSO" русумли автот. воситаси, бош. нархи – 31 732 942 сўм. 6. 10.03.2011 йилдаги № 4155-сон ижро ҳужжат. асосан, и/ч. йили номаълум, дав.бел. 11 K 42 36 бўлган "Газ-24" русумли автот. воситаси, бош. нархи – 1 608 717 сўм. 7. 10.03.2011 йилдаги № 4135-сон ижро ҳужжат. асосан, 1988 йилда и/ч., "Урал М-67" русумли автот. воситаси, бош. нархи – 707 976 сўм. 8. 10.03.2011 йилдаги № 4154-сон ижро ҳужжат. асосан, и/ч. йили номаълум, дав.бел. номаълум бўлган "Газ 69" русумли автот. воситаси, бош. нархи – 1 142 507 сўм. Бкобод шаҳар СИБ томонидан Бекобод тумани "АМТФКМНБ" жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 02.02.2011 йилдаги № 658-сон ижро ҳужжат. асосан, 2009 йилда и/ч., дав.бел. 01 425 QAA бўлган "SINOTRUK HOWO" русумли автот. воситаси, бош. нархи – 122 520 067 сўм. 2. 02.02.2011 йилдаги № 658-сон ижро ҳужжат. асосан, 2009 йилда и/ч., дав.бел. 80 986 FAA бўлган "SINOTRUK HOWO" русумли автот. воситаси, бош. нархи – 110 719 626 сўм. 3. 02.02.2011 йилдаги № 658-сон ижро ҳужжат. асосан, 2009 йилда и/ч., дав.бел. 01 662 ZAA бўлган "SINOTRUK HOWO" русумли автот. воситаси, бош. нархи – 107 705 220 сўм. Аукцион савдосига Янгийўл тумани СИБ томонидан 19.08.2010 йилдаги № 11746-сон ижро ҳужжат. асосан, "Янгийул Матлубот Савдо" жарима майдончасида сақланаётган, 2004 йилда и/ч., дав.бел. 10 V 699 AA бўлган "Матиз" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бош. нархи – 10 400 000 сўм. Оққўрғон тумани СИБ томонидан 11.09.2008 йилдаги № 6597-сон ижро ҳужжат. асосан, Оққўрғон тумани, Оққўрғон шаҳар халқ таълими ҳовлисида сақланаётган 2006 йилда и/ч., дав.бел. 11 AJ 378 бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бош. нархи – 2 148 257 сўм. Чилонзор тумани СИБ томонидан 13.09.2010 йилдаги 1004/12191-сон ижро варақ. асосан, М. Улуғбек тумани, Авайхон кўчаси, 98-уйда сақланаётган, 2007 йилда и/ч., дав.бел. 9EM2443 бўлган CATERPILLAR бульдозер русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бош. нархи – 802 387 000 сўм.

Аукцион савдолари 2011 йилнинг 5 май куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада ўтказилади. Юқоридаги автотранспорт ва кўчмас мулк воситаларининг такрорий аукцион савдоси 2011 йилнинг 26 май куни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

2011 йил 21 апрель куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган такрорий очиқ аукцион савдоларига қуйидагилар қўйилмоқда: Оққўрғон тумани СИБ томонидан Оққўрғон тумани ИИБАМТФКМНБ жарима майдончасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 18.03.2010 йилдаги №201-сон ижро варақ. асосан, 2002 йилда и/ч., дав.бел. X165PWM бўлган "ВАЗ-21102" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 8 438 156 сўм. 2. 15.01.2009 йилдаги № 577-сон ижро варақасига асосан, 1995 йилда ишлаб чиқ., дав.бел. X 396 ZNM бўлган "ТИКО" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 4 317 661 сўм. 3. 24.08.2009 йилдаги № 681-сон ижро варақасига асосан, 1982 йилда ишлаб чиқ., дав.бел. H 158 KM36 бўлган "Opel Kadet" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 1 892 970 сўм. Аукцион савдосига Чилонзор тумани СИБ томонидан 25.01.2010 йилдаги № 3072/9-сон ижро ҳужжат. асосан, "Эксклюзив прим савдо" омборхонасида сақланаётган, 1990 йилда и/ч., дав.бел. 11 W 2537 бўлган "Камаз 53212" русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда, бош. нархи – 9 050 000 сўм. Аукцион савдосига Юнусобод тумани СИБ томонидан Ўз.Рес.МХХ автотранспорт воситаларини сақлаш омборхонасида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда: 1. 06.07.2009 йилдаги №11905-сон ижро ҳужжат. асосан, 1976 йилда и/чиқ., дав.бел. 10 J 6618 бўлган "М-412" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 335 340 сўм. 2. 09.11.2009 йилдаги №18213-17-сон ижро ҳужжат. асосан, 1997 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 S 5484 бўлган "БМВ-5231" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 24 771 546 сўм. 3. 08.07.2010 йилдаги № 21956-сон ижро ҳужжат. асосан, 1997 йилда и/чиқ., дав.бел. O 4458 F бўлган "Daewoo Leganze" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 10 953 308 сўм. 4. 23.04.2010 йилдаги №12064-сон ижро ҳужжат. асосан, 1991 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 I 0796 бўлган "Опел Кадет" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 2 106 810 сўм. 5. 17.08.2009 йилдаги № 14486-сон ижро ҳужжат. асосан, 1999 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 R 5592 бўлган "Митсубиси" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 32 302 798 сўм. 6. 17.08.2009 йилдаги № 14486-сон ижро ҳужжат. асосан, 1996 йилда и/чиқ., дав.бел. M 7477 бўлган "Мерседес Бенц С 500" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 26 187 143 сўм. 7. 15. 02.02.2009 йилдаги № 2809-сон ижро ҳужжат. асосан, 1986 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 S 1940 бўлган "Хонда Цивик" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 4 328 697 сўм. 8. 19.05.2008 йилдаги № 10116-сон ижро ҳужжат. асосан, 1986 йилда и/чиқ., "Прицеп Одаз-8380" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 1 093 500 сўм. 9. 01.02.2010 йилдаги № 2307-сон ижро ҳужжат. асосан, 1976 йилда и/чиқ., дав.бел. 11 T 1686 бўлган "Ваз-21011" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 3 153 335 сўм. 10. 05.03.2010 йилдаги №4680-сон ижро ҳужжат. асосан, 1996 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 A 7293 бўлган "Daimler Chrysler" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 25 515 000 сўм. 11. 04.05.2009 йилдаги № 7490-сон ижро ҳужжат. асосан, 1985 йилда и/чиқ., дав.бел. 11 Z 3081 бўлган "БМВ-318" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 5 116 648 сўм. 12. 04.05.2009 йилдаги № 7490-сон ижро ҳужжат. асосан, 1992 йилда и/чиқ. дав.бел. X829SPM бўлган "БМВ-520" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 10 082 854 сўм. 13. 06.07.2009 йилдаги №11906-сон ижро ҳужжат. асосан, 1988 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 T 9611 бўлган "Ауди А6" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 21 870 000 сўм. 14. 09.11.2009 йилдаги №18219-сон ижро ҳужжат. асосан, 1979 йилда и/чиқ., дав.бел. 11 S 9209 бўлган "Ваз 21011" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 1 068 742 сўм. 15. 06.07.2009 йилдаги № 11906-сон ижро ҳужжат. асосан, 1990 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 B 0466 булган "Ауди" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 10 530 000 сўм. 16. 01.06.2010 йилдаги №16196/17-сон ижро ҳужжат. асосан, 1996 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 L 1108 бўлган "Нексия" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 7 186 158 сўм. 17. 09.11.2009 йилдаги №18214/17-сон ижро ҳужжат. асосан, 1997 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 L 8448 бўлган "Мерседес Бенс 290" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 31 463 880 сўм. 18. 24.11.2009 йилдаги №20737/17-сон ижро ҳужжат. асосан, 2001 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 U 1342 бўлган "Мерседес Бенс S 320" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 45 059 024 сўм. 19. 24.05.2010 йилдаги №13562/17-сон ижро ҳужжат. асосан, 1995 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 G 8778 бўлган "Мерседес Бенс Е-200" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 22 084 798 сўм. 20. 07.05.2009 йилдаги № 7731/17-сон ижро ҳужжат. асосан, 1994 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 Z 6479 бўлган "БМВ 316" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 14 827 780 сўм. 21. 05.10.2009 йилдаги № 16788/17-сон ижро ҳужжат. асосан, 1988 йилда и/чиқ., дав.бел. 10 P 4257 бўлган "Форд Скорпио" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 4 204 741 сўм. 22. 17.05.2009 йилдаги № 13185/17-сон ижро ҳужжат. асосан, 1985 йилда и/чиқ., дав.бел. 30 Y 1306 бўлган "Газ 2401" русумли автотранспорт воситаси, бош. нархи – 2 120 146 сўм.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, РКТАСБнинг Тошкент филиали депозит ҳисоб рақамига 20208000304632976002, АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиали, МФО 00425, ИНН 206852268, ОКОНХ 81200 га тўлашлари шарт. Савдога қўйилган молмулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: DB 001 №000003.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 4 июлдаги «Хусусий операторлар фаолиятини ташкил этиш ва электр энергияси учун ўз вақтида ҳақ тўлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 186-сонли қарори ижросини таъминлаш юзасидан

«TOSHKENT ELEKTR TARMOQLARI» OAJ ТАНЛОВДА қатнашишга таклиф этади

Танлов номи – Юқоричирчиқ тумани истеъмолчиларидан электр энергияси тўловларини йиғиш вазифасини бажарувчи хусусий операторни ташкил этиш учун инвестор танлови.

Танлов ўтказилишининг асосий шартлари: танлов очиқ турда ўтказилади. Унда хусусий операторларни ташкил этиш ва ушбу операторларга юклатиладиган вазифалар ҳамда мажбуриятларга мувофиқ, унинг фаолиятини ташкил этиш учун техник ва молиявий имкониятга эга бўлган юридик шахслар – Ўзбекистон Республикаси резидентлари ёки норезидентлари иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Хусусий оператор фаолият юритиш учун таклиф этилаётган ҳудуд: Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани, Юқоричирчиқ туман электр таъминоти корхонаси.

Танлов ташкилотчиси – "Toshkent elektr tarmoqlari" OAJ.

Инвесторларга қўйиладиган асосий талаблар:

– инвестор томонидан хусусий операторнинг фаолият юритадиган ҳудудида электр энергияси учун пул маблағлари ўтказиш бўйича мажбуриятлар унинг томонидан танлов эълон қилинган пайтда амал қиладиган тарифлар бўйича фаолият ҳудудида берилган электр энергияси ўртача ойлик ҳажмининг уч баробар қийматига тенг бўлган сумма доирасида бажарилиши юзасидан банк кафолати;

– танлов ҳужжатларида белгиланган шартларга мувофиқ, электр энергияси истеъмолчиларига зарур бўлган даражада хизмат кўрсатилишини таъминлаш.

Дастлабки малакавий танлов ўтказиш жойи ва муддати: Тошкент шаҳри, Осиё (Муртазоев) кўчаси, 42. Малакавий танлов эълон ОАВда чоп этилган кундан бошлаб ариза бериш муддати тугагунга қадар давом этади.

Ариза беришнинг сўнгги муддати:

– 2011 йил 2 май соат 18.00 гача.

Танлов ўтказиш муддати – 2011 йил 3 май соат 10.00 да.

Дастлабки малакавий танловдан ўтиш учун инвесторлар танлов ташкилотчисига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

– Монополиядан чиқариш, рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармаси томонидан берилган инвестор банкротлик босқичида эмаслигини тасдиқловчи маълумотнома;

– давлат рўйхатидан ўтказувчи органнинг инвестор қайта тузилиши ёки тугатилиш босқичида эмаслигини тасдиқловчи маълумотномаси;

– давлат рўйхатидан ўтказувчи тегишли орган томонидан берилган, инвестор юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси, низоми ва таъсис ҳужжатлари;

– инвесторнинг бюджет ва бюджетдан ташқари фондлардан қарзи йўқлиги ҳақидаги ДСИ маълумотномасининг асл нусхаси ҳамда ваколатли банк томонидан бериладиган инвесторнинг эълон чоп этилиш пайтидан бошлаб асосий ҳамда иккиламчи ҳисоб рақамлари, (К-2) бўйича қарзи йўқлиги тўғрисида маълумотнома;

– инвестор "Ўзбекэнерго" ДАК ва ёки унинг корхоналари билан суд ва арбитраж жараёнлари ҳолатларида эмаслиги тўғрисида "Ўзбекэнерго" ДАК маълумотномаси;

– инвестор истеъмол қилинган электр энергияси учун қарзи йўқлиги тўғрисида ҳудудий электр тармоқлари маълумотномаси.

Қуйидаги инвесторлар танловда қатнашишга қўйилмайди:

– танлов ҳужжатларига мувофиқ, барча зарур бўлган ҳужжатларни белгиланган муддатда тақдим этмаган;

– тугатилиш ёки банкротлик босқичида бўлган;

– танлов эълон қилингунга қадар бир йилдан кам муддат ичида таъсис этилган;

– "Ўзбекэнерго" ДАК ва ёки унинг корхоналари билан суд муҳокамасида бўлган.

Танлов ҳужжатларини олиш жойи ва шартлари, танлов ҳужжатлари учун тўлов, шунингдек, гаров суммаси миқдори ва уни тўлаш тартиби: танлов ҳужжатларини олиш истагидаги инвесторлар танлов бўйича олинадиган махфий ахборотни ошкор қилмаслик тўғрисида шартнома имзолайдилар ва "Toshkent elektr tarmoqlari" OAJнинг қуйидаги ҳисоб рақамига танлов суммасини ўтказадилар: 20210000500124958119, Қибрай СКБ, МФО 00884, ИНН 201221748, ОКОНХ 11170.

Танловда иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан қуйидаги манзилга мурожаат этиш лозим: Тошкент шаҳри, Осиё (Муртазоев) кўчаси, 42, "Toshkent elektr tarmoqlari" OAJ. Мурожаат учун телефон: 236-91-01.

Танлов ҳужжатлари пакетини юқорида кўрсатилган манзилдан қайтариб берилмайдиган энг кам иш ҳақининг ўн баробари миқдорида сумма ўтказилганидан сўнг олиш мумкин.

Танлов таклифлари энг кам иш ҳақининг минг баробари миқдорида бўлган гаров суммаси билан кафолатланган бўлиши лозим.

Танлов ҳужжатлари пакети учун учинчи шахслар тўловни амалга оширишлари тақиқланади.

Маълумот олиш учун иштирокчилар танлов ташкилотчисига танлов таклифларини қабул қилиш муддати тугагунга қадар ҳар куни маҳаллий вақт билан (шанба ва якшанбадан ташқари) соат 10.00 дан 17.00 гача мурожаат этишлари мумкин.

«Toshkent elektr tarmoqlari» OAJ.

ЧП "BOFAMAMUDI" Шайхантахурского района г. Ташкента, расположенное по адресу: м-в Джар-Арик, д. 6, кв. 81 (ИНН 300776015, ОКПО 22351881) **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (согласно решения № 1 от 28.03.2011г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 317-80-58.

ЧП "SHEGGI NET", зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г. Ташкента, расположенное по адресу: Чиланзар-16-22-69 (ИНН 301062610, ОКПО 22644502) **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол собрания № 1 от 29.03.2011г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 750-48-85.

Юнусобод тумани ҳокимлиги томонидан 2009 йилда Тулягянов Фарход Шавкатович номига берилган № 1005992 рақамли патент йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Учтепа (аввалги А. Икромов) тумани ҳокимининг 22.09.2003 йилдаги 1113-сонли қарори ҳамда 01-00738-сонли реестр рақам билан рўйхатга олинган "ROBIS" хусусий фирмаси (СТИР 204672414), Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 13.04.2009 йилда 002818-01-сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган "GOLDEN WHEEL PLUS" масъулияти чекланган жамияти (СТИР 301139268) таркибига тўлиқ бирлаштирилишини маълум қилади.

Чилонзор тумани ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан 18.02.2010 йилда 005757-08-сонли реестр рақами билан рўйхатга олинган (СТИР 207064148) "POLIGRAF POLIMER PRINT" шўъба корхонасининг мулкчилик шакли масъулияти чекланган жамиятига ўзгараётганлигини маълум қилади. Тел.: 103-72-21.

ИП ООО "SAN TEKSTIL" Учтепинского района (ИНН 300784053) сообщает об уменьшении уставного фонда с 100.000.000 сумов до 43.500.000 сумов. Тел.: 271-36-92.

Собир Раҳимов тумани ҳокимияти томонидан рўйхатга олинган "TEXNOLOG-TEXPLAST" шўъба корхонасининг устав жамғармаси 248 969 344 сўмдан 195 560 041 сўмга камайтирилишини маълум қилади.

ЧП "SEMNU-TVS" (ИНН 301273284), зарегистрированное в Олмазарском районе сообщает о своей реорганизации в форме слияния с ООО "MELIOSUVQURILISHTRANS" (ИНН 203556369, зарегистрировано по адресу: Олмазарский р-н, ул. Уста Ширин, 1-проезд, 293.

ООО "MELIOSUVQURILISHTRANS" становится правоприемником всех прав и обязанностей ЧП "SEMNU-TVS".

Юнусобод тумани ТСРЎИ томонидан 20.01.2010 йилда № 005389-10 реестр рақами билан рўйхатга олинган (ИНН 301451499) "MILLENNIU GROUP" МЧЖга тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ЭКОЛОГИЯ ВА ТРАНСПОРТ

ЗАМОНАВИЙ ВА ҲАММАБОП

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз иқтисодиётининг беистисно, барча соҳалари жадал ривожланди. Жумладан, юк ва йўловчи ташиш тармоқлари тез суръатларда кенгайди. Шу жараёнга боғлиқ ҳолда, табиийки, автотранспорт воситалари беқиёс кўпайиб, ҳаракат оқими тиғизлашди. Бу ҳол ёнилғи таъминоти, умуман, республикада транспорт инфратузилмасини мутаносиб ҳолда ривожлантириш ва такомиллаштиришни, шу билан бир вақтда транспорт воситаларининг атмосфера ҳавосини меъёридан ортиқча ифлослантирмаслиги масаласини ҳам эътибордан четда қолдирмасликни тақозо этди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, республика Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 10 февралдаги "Автомобилларни газ билан тўлдириш компрессор станцияларини ва автомобилларга газ қуйиш шохобчаларини ривожлантириш ҳамда автотранспорт воситаларини суюлтирилган газга босқичма-босқич ўтказиш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарори айни вақтида қабул қилинди десак, муболаға бўлмайди. Ушбу қарор экологик нотоза бензин ва бошқа ёнилғиларни камроқ ишлатиб, унинг ўрнига экологик тоза суюлтирилган ва сиқилган газдан кўпроқ фойдаланишга ўтишни тезлаштириш ҳамда компрессор станцияларини ва газ қуйиш шохобчаларини кенгайтириш бўйича 2007-2012 йилларга мўлжалланган аниқ стратегияни ишлаб чиқишга замин яратди.

Ўтган йиллар давомида бутун республикада Вазирлар Маҳкамаси қарори ижроси юзасидан автотранспорт воситаларининг бир қисмини суюлтирилган ва сиқилган газга ўтказиш бўйича режали чоратадбирлар амалга оширилиб, кенг тармоқли инфратузилма барпо этилди. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 25 ноябрдаги "Маҳсулотлар, хом ашё ва материалларнинг юқори ликвидли турларини сотишнинг бозор тамойилларини жорий қилишни давом эттириш тўғрисида"ги қарори талабларидан келиб чиқиб, суюлтирилган газ республика товар-хом ашё биржасида сотилади. Республикадаги автомобилларга газ қуювчи барча шохобчалар биржада қатнашади ва сотувга қўйилган газни кимошди савдоси орқали харид қилади.

Тошкент шаҳрида аҳоли турар-жойлари зичлиги ва автомашиналар жадал кўпайиб бораётгани туфайли бензинда ишловчи автотранспорт воситалари ҳавога чиқараётган заҳарли газ миқдори меъёридан ошиб кетиши табиий. Бунга йўл қўймаслик мақсадида пойтахтдаги автотранспорт ҳайдовчилари машиналарини ҳам арзон, ҳам экологик тоза газ ёнилғисига ўтказмоқдалар. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбарининг "2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишлар" мавзусидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалар асосида Муборак газни қайта ишлаш заводи ва "Шўртаннефтгаз" унитар корхонасида йилига 400 минг тонна суюлтирилган газ ва газ конденсати ишлаб чиқарувчи қурилмаларни ўрнатиш режалаштирилган. Бу, албатта, суюлтирилган газнинг кўпайиши ва нархининг янада арзонлашувига олиб келади.

Қолаверса, автомобиль ёнилғиси сифатида ишлатиладиган суюлтирилган газнинг бошқа афзаллик томонлари ҳам кўп. Энг муҳими, экологик жиҳатдан анча тоза бўлиб, ҳавога заҳарли модда кам чиқади ҳамда тўла ёнмаган ёнилғи гази икки баравар камаяди. Моторда детонация юз бермайди, цилиндр ва поршень қисмларини қурум босмаслиги сабабли ишлаш муддати узаяди. Мотор мойи ўз хусусиятларини узоқроқ сақлаб қолиши боис, уни алмаштириш муддати ҳам анча узаяди. Газ бензинга нисбатан тоза ёнилғи бўлгани учун автомобиль карбюратори ифлосланмайди. Хулоса қилиб айтганда, юқоридаги афзалликлар таъмирлашга кетадиган сарф-харажатларни ҳам анча тежайди.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ, 2012 йилгача Тошкент шаҳрида 107 та газ қуйиш ва 13 та компрессор шохобчалари қуриш мўлжалланган бўлиб, ҳозирги кунда 16 та газ қуйиш ва 9 та компрессор шохобчалари ишлаб турибди. Бу аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва экологик тоза ҳамда арзон ёнилғи билан таъминлашга ҳукуматимиз катта эътибор бераётганининг ёрқин далилидир.

"Ўздавнефтгазинспекция" Тошкент шаҳар бўлими юртимиз мустақиллигининг 20 йиллигини муносиб кутиб олиш мақсадида шаҳар ҳокимлиги ҳамда бошқа тегишли идора ва корхоналар билан ҳамкорликда пойтахтдаги автомобилларга суюлтирилган ва сиқилган газ қуйиш шохобчаларини ободонлаштириш, гўзал қиёфа бағишлаш, аҳолига хизмат кўрсатиш маданиятини янада юксалтириш учун бор имкониятларни ишга солмоқда.

Башрулло САИДАЗИЗОВ,
"Ўздавнефтгазинспекция" Тошкент шаҳар бўлими бош технологи.

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР

КАПАЛАКЛАР УЧСА ҚАРАЙЛИК...

Ҳар кимнинг ўз қизиқиши, ёқтирган иши бор. Кимдир почта маркалари йиғса, кимдир турли давлат пулларини тўплаб, маънавий завқ олади. Учтепалик Муяссар Жабборова чиройли "капалак"ларни кўпайтиришга ишқибоз. Тўғрироғи, "тунги капалаклар"ни йиғади. Янаям тўғрироғи, "тунги капалаклар"ни хорижлик мухлисларга кўз-кўз қилиш эвазига олинган турли валюталарни йиғишга ишқибоз. Зийрак газетхон гап кимлар ҳақида бораётганини дарров илғаган бўлиши аниқ...

Муяссархон "тунги капалак"ларни ўз касбининг устаси сифатида ниҳоятда синчковлик билан танлайди. Кимдир пулга муҳтож, кимдир ҳирсу ҳавасга, яна кимдир ўткир саргузаштларга иштиёқманд. Муяссархон ҳар бир ҳолатга алоҳида ёндошади. Агар тайёр капалак учрамаса, кўзи очилмаган лақма қизларни "мўмай даромадли осон иш топиб бераман" деб алдаб, хориждаги фоҳишахоналарга жўнатади.

Иш бор жойда камчилик ҳам бўлади, албатта. Муяссархон ора-сира қўлга ҳам тушиб қолади. Масалан, 1993 йилда у Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодекси 160-моддасининг 1-қисми билан айбдор деб топилиб, 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиниб, шу Кодекснинг 73-моддасига кўра, унга бир йил синов муддати белгиланди. Сўнг 78-модданинг "а" бандига асосан судланганлик ҳолати тугатилди.

Муяссархон бундан тегишли хулоса чиқаргандир, десангиз адашасиз. Ҳақиқий тиришқоқ одам муваффақиятсизликлардан гангиб қолмайди. Аксинча, бундан янада руҳланиб, йўл қўйган хатоларини бошқа такрорламасликка ҳаракат қилиб, яна олға интилади. Муяссархон ҳам олға интилди. Фақат ёлғиз интилишларидан фойда йўқлигини тўғри англаган ҳолда 2009 йил 5 январда бир қўлтиғига янгийўллик 19 яшар Элвира Эшмуҳаммедовани, иккинчи қўлтиғига 20 яшар Камола Али-Нагини "қистирди-да", Хитой сари учди. Ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донги чиқмас! Муяссархон ўз "бизнеси"да ёлғизланиб қолмади. 2007 йилдан бери таниш бўлган янгийўллик Сайёра Исмоилова билан олдиндан жиноий тил бириктирди, ўз "фаолиятида" унинг ёрдами ва ғамхўрлигини доимо ҳис этиб турди.

Аслида Элвира билан таништириб қўйган ҳам шу Сайёрахоннинг ўзи! Тайёр ўлжага Муяссарни шерик қилиш нияти йўқ эди-ю, аммо Хитойдаги юмушлари кўпайиб кетиб, қўли тегмади, шекилли. Яна ким билади дейсиз...

Хуллас, Камола ва Элвирани эргаштирганча, Хитойнинг Ханзо шаҳрида пайдо бўлган Муяссархонни Сайёранинг ўзи кутиб олди. Меҳрибончилик қилган бўлиб, уларни "Жожо-бинг-ва" меҳмонхонасига жойлаштирди.

Бироқ, орадан 2-3 ҳафта ўтса ҳамки, Хитойдаги ёғлиқ ишнинг дараги чиқмади. Ҳатто, Муяссар Сайёрадан ўз ваъдасига вафо қилиб, қизларга иш топиб беришни сўраб, жанжал ҳам қилди. Бу орада, остона ҳатлаб кўчага чиқмаган бечора қизгиналар ўзлари иш топишга ҳаракат қилишди.

Элвира бирор ресторанда рақс тушиб, пул топмоқчи бўлди, Камола эса соч турмаклаш салонидан иш қидирди.

Ниҳоят, бир куни Сайёра уларнинг хонасига 28 ёшлардаги бир йигитни бошлаб кирди. "Мана сенларга иш" деди у йигитни кўрсатиб. Ҳозир у билан кетиб, бирга ётасан, хоҳласанг эрталабгача ишла, пулини олдим", деди у кўзлари чақчайиб. Қизлар бу ифлос ишга рози бўлавермагач, "Эрим катта одам, бир оғиз айтсам, сенларни йўқ қилиб юборади", деб уларни кўрқитишга ўтди. Кўрқиб кетгач, қиз бечоралар ҳар куни эркакларни қабул қилиб, Сайёра учун киши бошига 500-1000 юань (100-200 АҚШ доллари)дан "пул ишлай" бошлашди.

Ниҳоят, орадан маълум вақт ўтиб, "пул топиб, жонимга оро киради", деган умидда қизини ёлғиз (!) хорижга жўнатган "онаизор" бундан қаттиқ ўксиди. СМС орқали қизига Ўзбекистоннинг Хитойдаги Консули телефон рақамини берди. Шундан кейингина "капалаклар" "фоҳишахонангни қанотимизнинг, йўғ-е елкамизнинг чуқури кўрсин", дея дипломатия хизмати ёрдамида уйларига қайтиб келишди.

Улар-ку, бир амаллаб қутулишди. Дил яраси ҳам битиб, шармандалик бўёқлари вақт ёмғирлари остида ювилиб кетар. Аммо, хорижга алдаб олиб кетилиб, уёқдаги зўравонликлар оқибатида "қанотлари синиб", ногиронлик аравачасида қайтаётган, даҳшатли юқумли касалликларни юқтириб келиб, 2-3 йил орасида ўлиб кетаётган қиз ва аёлларга нима деб юпанч бериш мумкин? Фақат: "Бир ишга қўл уришдан олдин оқибатини ўйланг, кўзингизни очинг", дея оламиз, холос...

Сиз ҳам кўзингизни очинг, азиз газетхон. Кўзингизни очинг-да, осмонга қаранг. Темир қанот самолётлар бағрида яна қанча қизлар – Муяссар, Сайёралар таъбири билан айтганда, "тунги капалаклар" хорижга учиб кетаётганийкин?! Ўз қизлари, сингиллари ва жиянларини билиб туриб, хорижга бузуқчиликка юбораётганлар қанчайкин?!

"Қарғалар учса қарайлик Марғилоннинг йўлига", деган бир халқ қўшиғи бор. Куйлаётган қўшиғининг маъносига тушунмайдиган айрим санъаткорларнинг айби билан бу қўшиққа шўх, ўйноқи куй басталанди ва рақс қўшиғи сифатида хотирамизда қолди. Аслида бу 1916 йилларда ўз фарзандларини Чор Россияси иштирокидаги 1-жаҳон уруши учун мардикорликка жўнатган бечора халқ ўйлаб топган мунгли қўшиқ. Агар аҳвол шундай кетаверса: "Капалаклар учса қарайлик амирликлар ёки хитойликлар йўлига", деган яна бир қайғули қўшиқ пайдо бўлса ажаб эмас...

Дарвоқе, шунча қилғилиқни қилиб қўйган Муяссархонга нима бўлди экан, деб қизиқаётгандирсиз. Нима бўларди, жиноятга жазо муқаррар. Одам савдосига қўл урган, бир гуруҳ шахсларни фоҳишаликка мажбурлаган, жабрланувчиларни давлат чегарасидан олиб ўтиб, шахсни тасдиқловчи ҳужжатларини олиб қўйган Муяссар Жабборова Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 135-моддаси 2-қисмининг "а, б, е, з, и" бандлари билан айбдор деб топилди ва 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинди. Лекин судлов ҳайъати унинг аёллигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 18 йиллиги муносабати билан амнистия қарорининг 1-банди "а" кичик бандига асосан, тайинланган жазо бекор қилиниб, суд залидан озодликка чиқарилди. Ана шунақа гаплар!

Карим МАТНАЗАРОВ.

АЁЛЛАР УЧУН МАСЛАҲАТ

● Равоч илдизини майдалаб, сирка билан қўшиб суртилса, юз чиройли бўлади.

● Агар юзингизда доғ бўлса, турп уруғини майдалаб, сирка билан аралаштириб суртинг.

● Ясмиқни пиширib, қовун уруғини майдалаб, унга аралаштириб, юзга суртсангиз, рухсорингизни очади, юз сариқлигини бартараф этади.

● Мирт мевасини ловия уни билан қориб, хамир қилиб юзга суртилса, доғни йўқотади.

● Ёнғоқ пўстлоғини майдалаб, сирка қўшиб хамир қилиб юзга суртсангиз, қизиллик бахш этади.

● Аччиқ бодомни ховончада янчиб, сирка билан аралаштириб, юзга суртсангиз, барча доғларни кетказади.

● Соч тўкилаётганида ва қазғоқ кўпайганида янги карам шарбатини бошга суртиш керак.

● Қазғоқни кетказиш учун 10 г. шалфей ва маврак 100 г. қайноқ сув солиб damланади ва у билан бош яхшилаб ҳўллаб қўйилади.

● Глицерин, ун, 1 чой қошиқ тоза асал ва 3 чой қошиқ совуқ сув аралашмасидан юзни оқартирувчи маска тайёрлаш мумкин. Аввал асал ва глицерин сувда яхшилаб аралаштирилади. Сўнг секинаста ун солиб, қаймоқ ҳолига келгунча қорилади.

● Сабзи шарбати эрталаб ва кечқурун юзга суртилса, тери ёшариб, доғ йўқолади.

● Ялпиз, маврак, ромашкадан бир ош қошиқда олиб, 4 стакан қайноқ сувда 30 дақиқа damланади. Уни докадан ўтказиб, ҳуснбузар чиқадиган ёғли юзга докани ҳўллаб бир неча дақиқа ушлаб турилади.

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ҳокимлиги ТСРЎИ томонидан 01.11.2010 йилда № 005635-11 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган "SHIRIN-NON MAXSULOTLARI" шўъба корхонаси, манзил: Яккасарой тумани, Муқимий 1-тор кўчаси, 7-уй (СТИР 301728112), ташкилий-ҳуқуқий шакли "SHIRIN-NON MAXSULOTLARI" масъулияти чекланган жамиятига ўзгартирилаётганлигини маълум қилади. Тел.: 449-00-55.

ДАРВОҚЕ

ПЛАСТИК КАРТОЧКАНИНГ АСЛИДА ТУРИ КЎП

Юртимизда электрон тўлов воситаси сифатида амал қила бошлаган пластик карточкалар мансублигига кўра шахсий, оилавий ва корпоратив бўлиши мумкин. Шахсий карточка жисмоний шахсга, оилавий карточка шахсий карточка эгасининг ишончномаси асосида фойдаланувчига берилади. Корпоратив карточка юридик шахсларга хизмат кўрсатиш учун мўлжалланган.

Корпоратив карточкадан фойдаланишда муайян чекловлар мавжуд. Масалан, уларни иш ҳақи ва бошқа ижтимоий тўловлар ҳамда нақд пул тўлаш учун ишлатиш ман этилади.

Вазифасига кўра, пластик карточкалар бир неча турга бўлинади. Дебет карточка унинг эгасига эмитент билан мижоз ўртасидаги шартнома шартларига мувофиқ ундан фойдаланиш, унинг карточка ҳисоб варағидаги пулдан товарлар, ишлар, хизматлар учун ҳақ тўлаш, нақд пул олиш имконини беради.

Кредит карточка унинг эгасига эмитент билан тузилган шартнома шартларига кўра, товарлар, ишлар, хизматлар учун ҳақ тўлаш бўйича эмитент томонидан бериладиган кредит миқдорида операцияларни амалга ошириш ва нақд пул олишга имкон яратади.

Электрон кармонча жисмоний шахс карточкаси бўлиб, эгасига товарлар, ишлар, хизматлар учун ҳақ тўлаш ва пластик карточкадаги пули доирасида нақд пул олиш имконини беради.

Пластик карточкаларни дастлаб 1914 йилда "Mobile oil" нефть компанияси муомалага чиқарди. Булар йирик компания ва савдо марказлари махсус мижоз, яъни бадавлат кишилар учун мўлжалланган бўлиб, уларни ўзларига жалб қилиш мақсадида чиқарилган. Йигирманчи йиллар бошида товарли карточкалар чиқарилиб, унда ҳар бир мижознинг харид рўйхати ва ҳисоб рақамларини кузатишдан иборат бўлган. 1928 йилда Бостон компанияси Farrint manufacturing биринчи металл пластик карточкаларни чиқарди, улар ҳозирги кўринишдаги пластик карточкалар эди. 1936 йилда American Airlines компанияси UATP (Universal Air Travel Pian) кредит схемасини ишлаб чиқиб, кредит карточкалар операцияларини йўлга қўйди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда кредит карточкалари оркали операцияларни амалга ошириш кўлами кенгайди, 1949 йилда замонавий универсал кредит карточкалари Diners Club томонидан чиқарилди. Бу карточкалар турли компания ва савдо марказлари томонидан ишлаб чиқарилган карточкалардан фарқ қилиб, унда мижозларнинг олди-сотдиси ёки товар ва хизматлар учун бутун мамлакат ҳудудида тўловларни амалга ошириши мумкин эди.

1958 йилда American Express ва Carte Blanche компаниялари универсал кредит карточкаларини бозорга чиқарди. 1960 йилда магнит тасмали биринчи пластик карталар, 1975 йилда эса, электрон хотирали нусхалари пайдо бўлди. Ўтган асрнинг 50-йилларига келиб, кредит карталари оммавийлашиб, Америкининг юздан ортиқ банклари мазкур тўлов воситасини чиқарди, бу эса мамлакат иқтисодиётига ижобий таъсир кўрсатди.

Япония 1980 йилларга келиб, кредит карточкалари чиқариш ва операцияларни амалга ошириш бўйича АҚШдан кейинги ўринга кўтарилди. Бугунга келиб, ривожланган давлатлар пул айланмасининг 90 фоизга яқини бевосита пластик карталар ҳиссасига тўғри келади.

Гулшода САФОЕВА,
ЎзМУ талабаси.

ТАДБИРКОРЛИК



ҲУНАРДАН УНАР

Қишлоқларда оддий шағал-тошдан гул ясашга, ёғоч-тахталардан бежирим бешик, сандиқ ва қутилар ясашга моҳир ҳунармандлар кўпайиб бормоқда.

Бўка тумани Чиғатой қишлоғидаги «Олтиш», «Жағалбойли», «Қорақудуқ» маҳаллаларида 70 дан ортиқ киши ҳунармандчилик орқали рўзғор тебратади.

– Устоз-шогирд анъанаси ҳунармандларимизнинг ўртача ёши қисқариб боришига кенг йўл очаяпти, – дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Зебохон Ёдгорова. – Бугун ёш йигит-қизлар дурадгорчилик, тикувчилик, темирчиликни касб қилиб олишаяпти. Чунончи, ёғочдан 8 хил маҳсулот тайёрловчи уста Саидикром Маҳмудов касб маҳоратини шогирди Охунжон ҳамда ўғиллари Саидраҳмон билан Саидакбарга ўргатаяпти. Банкдан 3,2 миллион сўм микрокредит олиб, иш бошлаган уста Саидикром шогирдлари билан ниҳоятда фахрланади. Ҳунарманд Маҳаммади Умиров ҳам нафақат «Олтиш» маҳалласида, балки бутун Бўка музофотида таниқли. У ясаган миллий чолғу асбоблари ниҳоятда харидоргир.



Жўрабек МУРОДОВ.

СУРАТЛАРДА: Чиғатой қишлоғининг ҳунармандлари иш устида.

Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.

«Олмалиқ Металл Конструкция» масъулияти чекланган жамияти ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва қўшимча иш ўринларини яратиш мақсадида 24х90 ҳажмли резервуар металл конструкцияларни ишлаб чиқариш цехини қуриш бўйича танлов эълон қилади.

Лойиҳани молиялаштириш – банк кредити.
Лойиҳани амалга ошириш муддати – бир йил.

– айланма маблағ миқдори қурилиш-монтаж ишлари қийматининг 20 фоиздан кам бўлмаган маблағ банкдан тасдиқланган ҳужжат асосида;
– корхонанинг фуқаролик ҳуқуқи, иш фаолияти ва тажрибаси ҳақида маълумот;
– охирги уч йилда бош пудратчи вазифасида қилинган ишлари ҳақида маълумот.

Тошкент шаҳри, Абдуллаева кўчаси, 4. "Пўлатқурилма" ОАЖ. Тел.: 254-22-14.
Олмалиқ шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 22. "Олмалиқ Металл Конструкция" МЧЖ. Тел.: (8-595) 512-33-31.
Танлов ҳужжатлари тўпламининг баҳоси – 80.000 сўм.
Танловга аризалар 2011 йил 30 апрель соат 17.00 гача қабул қилинади.

Танлов таклифларининг очилиши 2011 йил 2 май куни соат 10.00 да Олмалиқ шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 22-бинода бўлиб ўтади.

Юнусобод тумани ҳокимлиги ТСРЎИ томонидан рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор Хабибулаев Нодир Эргашбаевич номига берилган бурчак штампи йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "INTER EXPO CONTACT", зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Шайхантахурского района г. Ташкента, расположенное по адресу: ул. Казанская, дом 32 (ИНН 301005165, ОКПО 22614470) **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол собрания № 1 от 29.03.2011г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования данного объявления по тел.: 791-82-74.

ЧФ "XALIL-OTA" (ИНН 203677835) преобразуется в ООО "XALIL-OTA". Претензии принимаются по тел.: 292-44-77.

Фермерское хозяйство "KOMOL AGRO" (ИНН 300687370), зарегистрированное в Уртачирчикском районе Ташкентской области сообщает о своей ликвидации. Все претензии принимаются в течение одного месяца по телефонам: 248-51-84, 305-69-60 или по адресу: г. Ташкент, ул. Уста Ширин 1-проезд, № 293.

Общество с ограниченной ответственностью "Best Solutions" (ООО), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Шайхантахурского района г. Ташкента, (ИНН 205816715) **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** в соответствии с протокольным решением учредителей № 1/11 от 28.03.2010г.

Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня публикации данного объявления по адресу: 100129, г. Ташкент, Шайхантахурский р-н, ул. Навои, д. 30.

ООО "BIORITM-FARM", находящийся в г. Ташкенте, зарегистрировано ИРСП М. Улугбекского района, № 002123 от 02.05.2008г. (ИНН 206712307, ОКОНХ 71212) сообщает об уменьшении уставного фонда с 75 000 000 сум до 5 000 000 сум. Тел.: (+99897) 331-59-30.

Тошкент вилояти хўжалик суди жамоаси вилоят хўжалик судининг судьяси Гавҳар Ҳасановага волидаи муҳтарамаси

Зайнаб РАСУЛОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ҳокимлиги ТСРЎИ томонидан 01.11.2010 йилда № 005635-11 реестр рақам билан рўйхатдан ўтган "SHIRIN-NON MAXSULOTLARI" шўъба корхонаси, манзил: Яккасарой тумани, Муқимий 1-тор кўчаси, 7-уй (СТИР 301728112), ташкилий-ҳуқуқий шакли "SHIRIN-NON MAXSULOTLARI" масъулияти чекланган жамиятига ўзгартирилаётганлигини маълум қилади. Тел.: 449-00-55.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир
Жўра САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи
Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-340. Адади 16011. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. **ISSN 2010-9318.**

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 23.30. 1234